

Тун бўлди, Исабеков бўлса халиям ўй суриб ўтирибди. Хатни нимадан бошласин? Бу хатда ўзи нимани ёзади? Жуда кийин, жудаям кийин. Кўп гапларни ёзиши керак, роса йигилиб колган! Кечиккан изхорларни у тушунамикан?

Кўп йиллик огир оилавий хаёт ортда колди. Шунча хафагарчиликлар, сўнгсиз таъналар, кўпинча нохак, шунча жанжал ва ярашувлардан сўнг, ва ниҳоят, ажрашгандан кейин у одамгарчилик килиб уни тушунамикан, кечира олармикан? Турмушнинг илк йилларидаги каби — бегубор, очик, меҳрибон бўла олармикан? Бўлолмаса-чи? Уни тушунмаса, ундан ҳам ёмони, оКриниб, яна аёллик гурури ва бахтсиз кисматдан сўз очса... Унда нима бўлади?

Исабеков унинг эътирозларини аёлларга хос худбинлик деб баҳолаганини эслади.

У хар доим дугоналарига хасад киларди.

— Сездингми, у хатто меҳмонда ҳам аёлдан кўз узмади, одамларнинг олдида тиз чўкиб, туфлисининг ипини боглаб кўйишдан тортинмади.

— Бировга ёкишга уринмайман, бунака эркалашни ҳам билмайман, — деганди Исабеков кесиб.

— Ёкишга уриниш нимаси? Сенда нозиклик, меҳрибонлик йўк, нима деса бўларкан, севгингдан уяласанми-ей. Мен бундай яшашни хохламайман, севган кишим мени очик севишдан кўркмаслигини истайман. Йўкса, одамга огир ботади. Сен бу ҳақда ҳеч қачон ўйламагансан.

— Ўйлашни истамайман ҳам. Бунга вақтим йўк. Шундай бўла туриб, ахир, диссертациянг яқинлашиб колди-ку, бундай майда-чуйдага — ким кимнинг боғичини боғлаганига қандай ахамият берасан: хайронман.

— Сенга гапиришдан фойда йўк, барибир, ҳеч балони тушунмайсан.

Аммо энди у хотини нима ҳақда гапирганини тушунарди, унинг нимададир ҳақ бўлганини ўзига икром бўлмаса-да, ҳис киларди.

У кўчада кетаётиб, ўтган-кетганларнинг эътиборини тортиши Исабековга ҳуш келарди. У ҳам хотинини жозибали, аклли, латофатли деб биларди. Кадам ташлаши ҳам ёкарди. Умуман, у ўта енгил ва чиройли юради, ингичка пошнади туфли кийиб олса, киз бола деб ўйлаш ҳам мумкин. Ракс тушиши-чи, одамларнинг ҳавас билан қараётганини сезганда, кўзлари бахтиёр чакнаб кетади! Бундай дақиқаларда у аёлини жуда севарди.

Аммо барибир, нимадир уни эркин, қайси фазилати учун яхши кўришини ўйламай севишига ҳалал берарди. Шунчаки севишига. У ёшлигига қайтиш учун ўзини мажбурлаши, ортда қолдириши керак бўлмаган нарсани қолдирганини ҳижолат билан ҳис киларди.

Энди Исабеков хатосини тан олиши керак, агар буни хато деб бўлса. Аммо уни бошқа нарса кўпроқ ташвишга соларди: энди улар характерлари тўғри келмай, шундай таърифлаш одат тусига кирган-ку, бир-бирларидан узокроқ бўлиш ва ҳаммасини узил-кесил ҳал қилиш ниятида кетганларидан сўнг у ўзидан кечиб, ташқаридан ўтган умрга назар ташлай олармикан? Бундай қилолмаса-чи? Унда ҳаммаси тамомми? Алвидоми? Йўк, у бунга йўл қўймайди!

Исабеков бир неча марта кўлига қалам олди, ташлади, дераза ёнига бориб, анча пайтгача деворга ёпишганча тек турди.

Сўнгги автобуслар бурчакда тўхтаб, йўловчиларни тезда олиб, қузги хира чирокда кизил чирокларини липиллатиб кетишарди.

Қандайдир йигит кўшнининг кизи билан бир неча марта подъезд олдига келди, кейин

яна кетди ва яна кайтди, худди богчадаги каби бир-бирининг кўлини кўйиб юбормай ушлаб олган. Исабеков уларга хасад килмади, аммо бу манзарада унга согинч кадар таниш, таъсирли, яхши бир нарса бор эди.

Каерлардадир, шаҳар ташкарисида, тоғларда бўлса керак, жонли олов юлдузчадай нур сочарди. Хойнахой, чўпонларнинг гулхани. Шу лахзада унинг ҳеч нарсани ўйламай, куюк тун зулматидан жунжикиб, оловга ўтин ташлагиси келиб кетди.

Кейин у деразадан нари кетиб, ётоқхонага, кизи Анорага кўз ташлашга кирди. Катта бўлиб колган-у, ҳар доим устини очиб ташлаб совук котиб қолади. Бу гал Анора тинчгина ухляпти, кун бўйи чарчаган бўлса керак. Ҳа, кизи тинчгина ухлар, бугун нима килиб кўйганини билмасди. Эҳ, Анора, Анора! Отасининг юрагини ташвишга кўйганини хаёлига келтирмасди! Шундай кеч пайтда нима учун ухламаётганини билмасди. Исабеков кизига термулганча сассиз шундай дерди: «Тинчгина ухлаётганинг яхши. Хали улгурасан, улгайсанг, ўйларга тўла тунлар бўлади. Бундан ҳеч ким кочиб кутулолмас керак. Хозирча эса, ухла, ухла, ширин тушлар кўргин».

Кундузи у Анорани шаҳарга олиб борди. У ўша ерда, табиат кўйнида, онаси билан муносабатларини тушунтириб бермокчи эди. Хотини хатда шуни катъий талаб қилган. У кизига онаси Москвага факат диссертацияси учун кетмаганини, бирга яшамаганлари маъқуллигини, Анора эса ким билан туришни танлаши кераклигини айтмокчи эди. Исабеков бола учун огир бу суҳбатни бошлашга чўчирди. Нимагадир шаҳар ташкарисида бу ишни қилиш осонроқдай, кизи у билан қоладигандай, хотини илмий тадқиқот инситутига доимий ишга ўтиб, Тошкентда яшамокчи эди, у шаҳарга кетишни истамайдигандек туюлганди.

Анора отаси чакирганда ховлида ўйнаётганди.

— Свитерингни кий, шаҳар ташкарисига борамиз.

— Шаҳар ташкарисига?! — Анора чапак чалиб юборди, кейин ажабланиб сўради: — Нимага?

— Шунчаки, айланиб келамиз.

Исабековни кўчада машиналар кўплиги асабийлаштирди, машиналар зўрКа-зўрКа юрарди. Якшанбада хар доим шу ахвол. Шахардан чиккач, машиналар окими тинди. «Волга» чайкалганча тезликни ошириб борарди. Силлик асфальт йўл узок тоКларга томон кетарди. Исабеков олдинда окариб турган чўккиларга жимгина тикиларди.

— Дада, секинрок хайданг, — илтимос килди Анора.

Исабеков тезликни камайтирди.

— Кўркяпсанми?

— Йўк, шунчаки, — деди у ва яна деразага ёпишди.

— Ахир, хар доим тез юришни ёктирардинг-ку.

Анора ўгирилмади, гўё эшитмагандек хеч нима демади.

Исабеков унинг юпка свитерни туртиб чиккан озгин елкаларига, кора майин сочлари ёпишган ингичка бўйнига караркан, эшикка ёпишган вужудида унга хос бўлмаган, бегона нарсани туйди. Кизча безовтадай эди.

Балки у сезаётгандир? Ахир, болалар сезгир бўлишини кўпинча унутиб кўямиз-ку. Нега у хеч качон хеч нимани сўрамайди?

Бу ўйлардан Исабековнинг кўнгли бузилди. Йўк, каердан билсин? Буни билиши мумкин эмас. У ҳам, хотини ҳам сездирмаган. Яна ким билсин! Энг кўркинчлиси — у хар доим шундан кўркарди — боланинг руhini бузиш. Инсон калби шундай яралган: уни музлатиш осон, илитиш кийин, баъзан эса умуман иложсиз. Кейин неврастениклар пайдо бўлади. Йўк, Анора нормал киз. Балки у ниманидир сезаётгандир? Ахир, уйда бир нима бўлса, у доим билган-ку. Ўшанда канчалик азоб чекканини ҳеч ким тасаввур қилмаган. Нимаям қилсин, эртами-кечми, барибир, билиши керак. Бу бўлмаса, онаси айтади, у тўгрисўз-ку. Яхшиси, ўзи айтади. Бошка иложи йўк. Ортик чўзиб бўлмайди... Балки, унга шундай туюлгандир, Анора деразадан тўкилаётган баргларга завкланиб караётгандир. Умуман олганда, бу ҳеч нимани ўзгартирмайди, барибир, айтиш лозим. Эҳ, бугун кун яхши. Юракда ҳам шундай халоват бўлса яхшийди...

Барглар сочилган йўллар кузга хос бўлганидай курук. Исабеков чиндан ҳам бундай тезликда кетиш номакбуллигини ўйлади. Барглар, охиста айланганча, аста ерга тушяпти. Баъзилари бир лахзага ойнага урилиб капотга тушади, кейин нарига учиб, гўё ортда қолишни истамагандек бир муддат машина билан бирга кетади. Йўлнинг икки томонида куёш нури сочилган курук сарик далалар, йигиштирилган узумзорлар ястаниб ётибди. Олтин кузнинг сўнгги кунлари.

«Ёмгирлар ўтади, ҳамма ёк қорайиб, чиройини йўкотади», ўйлади Исабеков афсус билан. У ўт ёккични ёндириб, сигарет тутатди ва яна Анорага бокди. У деразага қараб кетарди.

— Нега жимсан, Анора?

Кизча таажжуб билан отасига қаради-ю, индамади.

— Кеча дарсларингни қилганмидинг?

У бош иргади.

— Атроф гўзал-а?

— Ха, жудаям.

Исабеков хижолат бўлди. Бу мажбурий, зерикарли саволлар кимга керак? Унга нима бўлди? Ахир, улар, одатда, эркин ва осон гаплашишади-ку. Бугун ўзи зерикарли бўлса керак.

— Робертино! — типирчилади Анора. — Вой, дада, Робертино. Синфимизда уни ҳамма яхши кўради. Кизлар ҳам, ўгил болалар ҳам. Сиз ҳам уни яхши кўрасиз-ку? Онам ҳам.

— Ха, Анора, ха. Албатта, онанг ҳам. Бирам чиройли бўлиб кетгансанки, кизим. — Исабеков кизининг катта очилган кисик кўзлари бирданига чакнаб кетганидан хайратга тушиб сочларини силаб кўйди. — Мендан хафамисан, деб ўйлаётгандим.

— Нималар деяпсиз, дада!

— Жуда яхши, кел, эшитамиз. Кейин мен сенга Шуберт ва Робертинонинг ватани хакида гапириб бераман.

Сухбат давом этаркан, «Ave Maria» садолари кузги кенгликлар узра улугвор сузар, гўё бу кузни ҳам, заминни ҳам, инсон калбини рухлантирарди. Исабековда кутилмаганда куёшни, олдиндаги викорли тоғларни, Робертинонинг овозини ҳамда кизининг хаяжонини камраган уйгунлик хисси уйгонди.

Хар бир юракда гўзалликка чанкоклик хисси яшаса керак. Бу инсон табиатига хос бўлса керак. Аммо кўпинча биз, ўзимиз тушунмаган холда, бу гўзалликни кадрламаймиз. Мана, хозир ҳам у боланинг хали мустахкамланмаган, ярим эртак тасаввурларини барбод килиши керак...

Робертино куйларди, Анора хам унга кўшилиб паст овозда хиргойи киларди. Машина бўлса бу вақтда катта олма боги тўсигидан ўтиб, дарё ёнидаги шоссега бурилди.

Исабековлар бу ерга ёзда келишарди. Бу ерга кам одам келарди: дарё кичкина муздек тоғ суви орасида тошлар кўринарди. Пляж хам йўқ эди. Аммо тоғлар яқин эди. У ердан, тепадан Анора чиқишни яхши кўрадиган катта харсанглар тушиб колган. Балки шунинг учун Исабеков хам бу жойларга талпинар.

Атроф жимжит. Анора харсанглар ёнига югурди, унинг Робертинога таклид қилаётган овози тошлар ортида гоҳ йўқолар, гоҳ яна эшитилиб коларди.

«Ave Maria» оханглари Исабековни тарк этмас, атрофдаги хамма нарса янгилангандай туюларди.

Бог, аллақачон бўшаб колган, дарё устида бўлиб, тоза, тартибли эди. Гўё «Хали меваларни теришга яна келишмасмикан!» деб кулок солаётгандек туюлади. Тўсик ёнидаги сомонлар уюми ўтиб кетган ёздан дарак беради. Ёзда бу ерда хамма нарса бошқача бўлган бўлса керак, у эслолмайди, гўё ёзи бўлмагандек. Ана, булутлар пайдо бўлди — оппок бўталоклар. Ох, овулда бўлсанг! У ерда бўлмаганига хам анча бўлди...

Анора сўкмок бўйлаб бокка югуриб кетганини сезган Исабеков бу ерга нима учун келганини эслаб, кичкирди:

— Каерга кетяпсан?

— Бокка. Дарахтга чикмокчиман.

— Сен билан гаплашиб олишим керак.

— Нима ҳақда, Робертино хакидами?

— Ҳа.

— Кейин эшитарман, тез келаман, — Анора бокка югуриб кетди.

Исабеков яна кизига хаммасини қандай айтишини ўйлашга тушди. Айтмоқчи бўлгани ўзига ҳам галати, бемаъни, дахшатли бўлиб туюлар, бу куз куни, нурга йўгрилган туйгулар, Робертиннинг овози ҳамда «Ave Maria» билан боғланмасди. Унда кўркув пайдо бўлди. Анора узокрок ўйнашини, айтиши керак бўлган гапни айтишга мажбур қилмаслигини хохлади. Богдан кизининг нимадандир хайратланган, ажабланган овози эшитилганда эса, у титраб, бошини эгганча орқасини ўгириб ерга ўтириб қолди.

— Дада, дада! Каранг, нима топдим!

У ўгирилмади. У кизининг югуриб келаётганини, хансираётганини эшитди. Анора чопиб келиб, отасининг бўйнидан қучди ва каттакон кизил олма узатди.

— Олма топдингми?

— Ҳа, барглар орасига беркиниб олибди, умуман кўринмаётганди! Айёрлигини-чи. Мен эса топдим! У фонусга ўхшаб ёнаётганди. Бу энг охири ва энг ширин олма. Бутун богда бошқа бунакаси йўк. Каранг, қандай чиройли, хидини айтмайсизми! Худди куёшга ўхшайди!

— Ҳа, жудаям чиройли, бу кишки апорт, — қутилмаганда кўшиб кўйди: — Биласанми, Анора, бу бахт белгиси. Бу олма ёз бўйи сени қутган, ҳеч ким кўрмаслиги учун яшириниб олган. Сен бўлсанг, топиб олдинг. Бу олмани еган одам жуда бахтли бўлади.

Исабеков олмани дастрўмоли билан артиб кизига узатди.

— Ма, е.

— Робертино хакида қачон гапириб берасиз?

— Кейин, хозирча богда ўйнаб тур.

— Биласизми, дада, дарахтга зўр чикаман. Олмалар катта, баланд, шохлариям семиз, чикишга кулай. Ўрик бўлса ёмон дарахт, тиканлари кўп.

— Сен яхши дарахтларга чик,— кулиб юборди Исабеков.

— Дада, сиз бир марта бўлсаям шунака олма топганмисиз? — кутилмаганда сўраб колди Анора.

Исабеков довдираб колди. Жавоб беришдан олдин бир муддат жим турди-да, паст овозда деди:

— Ха. Сен бор, ўйнаб кел, мен шу ерда ўтириб тураман.

Анора кўлида кизил олмаси билан бокка югуриб кетди, у эса бошка кизил олмани эслади ва галати ўхшашликдан ажабланди. У хам бир пайтлар шу ерда, факат бошка богнинг нариги томонидан, олмалар далаларга караган жойдан худди шундай кизил олма топганди...

* * *

Урушдан сўнг у хозир ўзи маъруза ўқийдиган кишлок хўжалиги институтига кириш учун шахарга келди.

Худди шундай куз кунларидан бирида уларнинг бутун гуруҳини эрталаб колхозда лавлаги кавлаш учун юборишди. У пайтлар йўл хали асфальт килинмаган эди.

Кун бўйи ишлаб, кора нон бурдаси аллакачон еб бўлинган, кечга бориб чарчаб, очикиб шахарга кайтишарди. Кайтишда бутун гуруҳ колхозга йўлни бурди. Хосил аллакачон йигиб олинган, аммо ўтлар ва барглар орасидан баъзилар олма топиш бахтига муяссар бўлди. Дўстона равишда бўлишиб ейишди. Очлик хисси яна кучайди. Хамма таркаб кетди, боғни ахтаришга тушишди. Аммо арзирли хеч нима тополмай йўлга чика бошлашди.

Исабеков, хозир эслашича, боғда ўртокларининг кетидан югуриб кетаётганда, барглар орасида ёркин бир нима кўринди. У тўхтади, аммо хеч нимани кўролмади. Кўзимга кўринди, деб ўйлади. Бир неча кадам юриб, яна ортига кайтди. Кари дарахтлар орасида ўтказилган ёш олма дарахти атрофида айланди. Бу дарахтнинг барглари бошқаларидан фаркли ўларок хали куюк эди. Куёш сўлиган баргларга курук, кайнок нур сочарди. Гугурт чаксанг бас, дарахт ёниб кетади. Лекин у кўрди ва хайратда шивирлади: «Ох!»

Икки муштча келадиган катта кип-кизил олма, балки бу дарахтнинг ягона мевасидир, барглар орасида ингичка, эгилган шохда осилиб турарди.

Бир неча лахза Исабеков бу мўъжизани томоша килиб турди, кейин сакраб, оёк учида туриб осилиб турган кизил шарни узиб олди. Хўшбўй хид бошини айлантириб юбораёзди. Юпка алвон пўчоги орасида юшок, сувли мева кўриниб турарди. Огизга солиб олгинг келарди. У олмани бўлишга чоғланганди хамки, сўнгги дамда фикридан кайтди.

Бу олмани унга беради!

Ўша лахзада уни кандай эслади? Бирам ажойибки! Аммо Исабеков хар доим у, ўша нотаниш, исмини хам билмаган киз хакида ўйларди. Кандай килиб эсламасин! Бошка хеч нима тўгрисида ўйламай Исабеков олмани чўнтагига сука бошлади. Аммо бундан наф чикмади. Шунда у куртказининг тикилган жойини сўкиб ташлаб, тешикка олмани солди-да, ўртоқларининг изидан югуриб кетди. Улар йўлда йўловчи машина кутиб туришарди. Исабеков шу захотиёк дўстларига бор гапни айтишга қарор қилди.

— Болалар, мен олма топиб олдим, аммо уни хеч кимга бермайман. Уни бир одамга совга киламан.

— Олманинг ўзи кани?

— Мана, ушлаб кўрларинг.

— Вой, катталигини!

— Канакасига бир одамга совга киласан? Кимга? — унинг ёнига келди Шер.

— Кимгалигининг нима фарқи бор? — деди Исабеков.

— Буни қаранг-а, олма топиб олибди. — Энасасини котириб кулиб Исабековнинг елкасига қокиб кўйди Шер. — Мугомбирликни йигиштир, олмани бу ёкка чиқар.

Шер Исабековнинг юзига кулиб, хазил килибми ё чинданми, олмани олиш ниятида куртказидан ушлаб олди.

Исабеков унинг кўлига каттик урди. Шер четга сурилиб кетди.

Болалар кулиб юборишди.

Шу пайт йўловчи юк машинаси келиб колди, болалар кузовга отилишди.

Исабеков бу гаройиб олмани ўша нотаниш кизга совга килишга қарор қилди. У кизни шаҳар кутубхонасида кўп кўрарди. Шунинг учун бўлса керак, кишлок хўжалиги институти жойлашган чекка жойдан шаҳар марказига судралиб борарди. Ўқув залида ўтирганча қандайдир ички туйғуга асосланиб унинг қачон пайдо бўлишини сезарди. У кизни шундай қучли хаяжон билан кутардики, нима ўқиётганини тушунмасди. Исабеков эшик қаршисидаги столга ўтириб, у остонада пайдо бўлганда, нигоҳини китобдан узар, кўзлар бир лахзага тўқнашарди. У тикилиб туришдан кўрқарди. Киз ҳам унинг хижолат бўлганини сезгандай тезда бўш жойга бориб, столга сумкасини кўярди-да, китобга кетарди. Исабеков эса китобларни олиб, мағрур, эркин, хамиша чиройли кийинган холда яна ёнидан ўтишини кутарди.

У жуда ақлли ва тарбияли бўлса керак. Исабеков бу ҳақда фахр билан ўйлар, унинг бундайлигидан қувонар, гурурланарди.

Унинг ўқув залида ўтиришининг ўзиданок Исабеков ҳам қувонч, ҳам азоб хиссини туярди. У ён томондан кизга мўралашни, ўйчан эгилган киприклари, тинимсиз равишда дафтарга нималарнидир ёзаётган юмшок кўлларига қарашни яхши кўрарди. Бирортаси унинг олдида тўхтаб қолса ёки болалар столига хатча ташласа-ю, киз ўқиса, жони чиқарди. Исабеков стол тагида муштарини тугиб, ҳаммага ташланишга тайёр бўларди. Аммо унинг сурбетларнинг хатларини йиртиб ташлаганда, хиринглаш ва шивирлашларга хатто ўгирилиб қарамаганда, қалби таскин топар, миннатдор бўларди. Исабеков бу ерда унга ҳеч ким ёқмайди (ўзи сал-пал) деб ўйларди. У буни жуда истар, бу ҳақда шундай орзу қилардики, сал сезиларли табассумлар ва бош иргашларни ўзига нисбатан симпатия тарзида қабул қиларди. Аммо Исабеков у билан танишишга журъат қилолмасди. Киз унга ўта интеллигент бўлиб туюлар, у эса шаҳарда юзлаб топиладиган овуллик оддий бир йигит эди. Колаверса, Исабеков ўзининг ташки кўринишидан уяларди. У ақасидан қолган этик ва гимнастёркада, дала сумкаси билан юрарди. Кишда ҳам ақасининг шинели билан юриши керак эди.

У кутубхонада анча кеч пайдо бўлар, баъзан ўкув зали ёпилгунча қолиб кетарди. У столдан туриб, китобларини топширишга кетаётганда, Исабеков тезда нарсаларини йигиштирарди-да — кутубхона китобларини кеч қолмаслик учун аввалдан топшириб қўярди, — қўчага чиқарди. Бошқа томонга ўтиб, кизнинг чиқишини кутарди. Мана шундай масофада, одамлар орасидан қараганча уйигача кузатарди. Киз яқинда, кутубхонадан икки мавзе нарида, улкан кулранг уйда яшарди.

Уни кузатгач, Исабеков шаҳардан яёв ётоқхонасига борарди. Йўл-йўлақай шаҳар боғига кириб ўтарди. У ерда ракс майдончаси бор эди. Кизларнинг белидан кучганча, қўлини ушлаб мусика охангига мос ракс тушаётган йигитларга қанчалик унинг хавас қилишини ҳеч ким билмасди. Йигитлар кизларга нима дейишар, улар эса жилмайиб, бундан янада бахтиёр бўлишарди. Ракс тушаётганларга қараб тураркан, Исабеков энг чиройли ва севгиси энг кучли жуфтликни танлаб, йигитнинг ўрнида ўзини, кизнинг қиёфасида эса уни тасаввур қила бошларди. Унинг тасаввурлари шунчалик чуқур, шунчалик ҳаққоний эдики, севгилиси билан ракс тушибгина қолмай, суҳбатлашарди ҳам. Бу ҳаёлий суҳбатлар тахминан шундай эди:

— Биласизми, мен фақат сизни деб кутубхонага келаман.

— Ҳа, биламан. Ҳар доим мени кутишингизни биламан.

— Мен сизни кун бўйи — маърузаларда ҳам, ошхонада ҳам, ётоқхонада ҳам ўйлайман. Мен кинода ўтираман-у, экранда нима бўлаётганини кўрмайман. Сиз ҳаққонийда ўйлаганда қанчалик завқланишимни билсангиз эди.

— Кизик, мен ҳам баъзан сиз ҳаққонийда ўйлайман. Аммо нега ҳечам ёнимга келмайсиз, гаплашмайсиз?

— Мен шундоқ ҳам хурсандман. Агар сиз тонггача кутубхонада ўтирсангиз, мен ҳам сизга термулиб ўтирардим.

— Мени йигитлар кузата бошласа-чи, унда нима киласиз?

— Бунга йўл кўймайман. Сиз ҳам йўл кўймайсиз, тўгрими, ахир, мен сизни севаман.

— Йўл кўймаслигимни каердан биласиз?

— Сиз унака эмассиз.

— Мен хакимда ҳеч нима билмайсиз-ку, қандай килиб ҳулоса чиқаряпсиз?

— Сизга жуда ишонаман. Мен сизни биламан. Сочларингиз исини, овозингизни сира эшитмаган бўлсам-да, қандай қулишингизни биламан. Сизнинг кўзларингизга ишонаман, сиз яхшисиз, энг гўзал ва энг ақлсиз.

— Вой, жуда кўп гапириб юбордингиз. Шуларнинг бари чинми?

— Чин.

Ўша куни кечқурун, ётоқхонагача қайтгач, Исабеков олмани тумбочкага солди-да, энг аввал ювинишга, этикларини тозалашга югуриб кетди — кутубхонага бориш учун ўзини тартибга солиши керак-ку. Аммо йўлакдаги соатга қараб кеч бўлганини тушунди.

Хонада ҳамма аллақачон уйкуга кетган, у эса олмани эртага қандай қилиб беришини ўйлаб ақанаб ётаверди. У кизнинг хайрати ва қувончини кўргандай бўлди, — Ахир, бундай пайтда шундай ранг ва шундай хидли олмани бутун дунёни ахтариб ҳам топиб бўлмади-ку. У албатта ўзининг топилмаси — эски қузги боғдаги ёш олма дарахти ва бу дарахт кечки қуёшнинг олтин нурларида ҳаммасидан чиройли бўлгани хақида гапириб беради.

Яна орзусини айтади ва хар гал уйга кузатиб боришини, ракс майдончасида бирга ракс тушишини, сукбатлашишини хам билдиради. У кулиб юбориб, «Девона!» деса керак. Бу гапни айтаётганда, унинг овозида мазах эмас, меҳрни туяди. Кейин кинога боришса керак, у кизнинг ёнида ўтиради, якинлигини хис килади ва, табиийки, хеч кандай кинони кўрмайди, унга кино керакмас хам. Костюм билан туфлиси яхши бўлганда эди. Этикада унинг ёнида нокулай-да. Аммо у аклли-ку, демак, бунга эътибор бермайди.

Исабеков шу ўйлар билан уйкуга кетди. Аммо тунда каравотдан сакраб турди. Тушида сурбет Шернинг кизил олмани еб кўяётганини кўрибди. Исабеков уйкусираб Шерга ташланди, аммо у хуррак отиб ётар, бошқалар хам ухларди. Шунда хам Исабеков тумбочкани очди-да, олмани ушлаб кўриб, кўнгли жойига тушди. «Мендан кўрасан!» пичирлади у олмага.

Эрталаб дарчани очган болалар олмани хидлаб-хидлаб кўйишди.

— Исабеков, олманг хам зўр экан-да. Хидини кара! Уни касалхонага бировга олиб борсанг, тезрок олиб бор, йўкса, Шер еб кўяди.

— Кеча еб кўймокчийдим, — тўнгиллади Шер. — Ўзларинг кўлламадиларинг.

— Уриниб кўргин хам-чи! — тахдид килди Исабеков паст овозда.

Кейин хаммалари дарсга кетишди. Маърузалар шундай азобли эдики!

Танаффусдан сўнг Исабеков Шернинг аудиторияда йўглигини сезиб колди. Иситмаси чикиб кетаёзди. У ўрнидан сакраб турди-да, зоология домласининг маърузасини бўлиб, деди:

— Кечирасиз, профессор. Тезда, хозирок кетишим керак.

— Сизга нима бўлди, йигит? — ажабланди профессор.

— Тушунтириб беролмайман, аммо илтимос киламан, менга жавоб беринг...

Исабеков ўқув корпусидан ётоқхонагача муштарини тукканча югуриб борди. Шер хонада йўк экан. Исабеков тумбочкага отилди — олма жойида турган экан. У ҳам хижолат, ҳам хурсанд бўлди. Демак, Шер шунчаки зоологиядан кочиб кетган. Хаяжон ва югурганидан хансираб колган Исабеков каравотда ўтирганча пичирларди: «Кечир, кечир мени, Шер! Сен хакингда энди ҳеч қачон бундай ёмон ҳаёлга бормайман!»

Кечки пайт газетага ўроглик олмани кўлтигига қисганча Исабеков ниҳоят кутубхонага жўнади. У одатдагидан эртарок келди ва ҳар доимгидек эшик ёнидан жой олиб, стол устига дафтар-китобларини кўйиб кута бошлади. Ва ҳар доимгидек одамлар китобга энгашиганча ўтиришар, шивирлашар, чекиш хонасига бориб, яна қайтиб келишарди. Буларнинг ҳаммаси Исабековнинг тушида бўлаётгандек эди. У кутарди. Газетага ўроглик кизил олма стол тагида тиззасида турар, шунинг учун кимирлашга кўркиб ўтирарди. Бир ярим соат ўтди, кўчага коронгулик чўкди. У келавермади. Икки соат ўтди — йўк! Уч соат ўтди — йўк! Исабеков ҳамон кутарди. У келмади.

Эртасига у яна маърузаларда ўтириб, кеч тушишини кутди, яна сахар бўйлаб олмасини кўтариб юрди. Аввалгидан ҳам аламлироқ сабрсизлик билан кутди кутубхонада. У остонада пайдо бўлганда эса, ўзининг юрак уришларидан кулоклари битиб колгандек бўлди. У ҳар доимгидек сезилар-сезилмас жилмайиб, енгилгина бош ирғади, ўтиб кетаётиб эса, кўли билан бироз туртиб юборгандек бўлди, сўнг бир стол наридан жой эгаллаб, китоб олишга кетди.

Исабеков хаяжон бахш этган қувончдан маст бўлиб, стол тагида ўзининг муқаддас кизил олмасини титраганча ушлаб ўтирарди.

Кейин у китоб кўтариб қайтди ва ҳар доимгидек ҳеч қимга қарамай, ҳеч нарсага

эътибор бермай, дафтарига нималарнидир кўчира бошлади.

Исабеков эса хамон кутарди. Вакт яна чўзилди, аммо у бугун орзуси амалга ошишини ўйлаб бахтиёр эди. У ён томондан кизнинг тартиб билан таралган сочларига, ўйчан эгилган киприкларига ва юмшок кўлига термулиб ўтираркан, «Девона!» дейишни ўзича тасаввур киларди.

Шундай бахтдан юраги гурсиллаб урарди. Ха, у кизга хаммасини, олмани ейишга шайланганда, кандай эслаб колганини, бирор яхши, чиройли нарсани кўрганда, хар доим унинг ёнида бўлишни, у билан бирга кувонишни иташини, чунки факат у билан гўзалликнинг бутун жозибасини хис эта олишини айтади.

Кўчада тунги чироклар ёнган, китобхонлар таркала бошлаганди, у эса хамон жойидан жилмасди. Исабеков хам кутиб ўтирарди. Кейин, киз нарсаларини йигиштира бошлагач, у тезда конспектларини сумкасига тикди-да, газетага ўроглик олмани олиб кўчага чикди. У йўлнинг нарига томонига ўтмади, хаяжонини босишга кучи етмай, йўлакда тўхтади. Огзи куриб кетди, ташналик сездди. Нихоят, тош зиналардан унинг пошнаси овози эшитилди ва у калта чиройли пальтода пайдо бўлди. Исабеков олмани багрига босганча у томонга юрди. Киз индамай ёнидан ўтиб кетди.

— Яхши киз! — катъиятсиз товушда чакирди Исабеков.

— Ха, — киз тўхтаб ортига ўгирилди. — Менга нимадир демокчимисиз?

Нокулай жимлик чўкди.

— Мен сизга... олма олиб келдим, — деди Исабеков зўрга.

— Олма? Буни каранг-а! Нима, сиз мени умрида олма кўрмаган деб ўйлаяпсизми?

— Йўк, биласизми, мен уни топиб олдим...

— Хўш, нима бўпти? Сизга мендан нима керак ўзи, — асабий тарзда деди у ва ҳеч каёкка карамай, тез нари кетди.

Киз ўзининг кизил олмасидан узоклашиб кетаётганди.

Исабеков эса унинг ортидан ўзининг бебахо кизил олмасини ушлаганча, нима бўлганини тушунмай котиб караб турарди. Кизил олма сабаб яралган ажойиб олам тўсатдан парча-парча бўлиб, кулаб кетди.

Исабеков уйга судралди. У бирдан кўлини силтаб, олмани улоктириб юборди. У каердадир деворга бориб урилди.

У худди маст одам каби бўм-бўш кўчаларда тўгри кўприк устидан кетиб борарди. Ахён-ахёндаги машиналар эҳтиёткорлик билан уни четлаб ўтишарди.

Кейин у кўп кизлар билан танишди, аммо ҳеч бирига кизил олма совга килгиси келмади. Улар ҳам буни исташмасди...

Аммо бир умр ундан кизил олма талаб килган, ёлворган, кутган ягона аёл бор экан, бор экан. Бу унинг хотини Собира эди. Хозир кузги бог тўсиклари олдида ўтирганча Исабеков шу ҳақда ўйларди.

Кечки пайт Исабеков ва Анора уйга кайтишарди. Тез коронгу тушди. Олдинда шаҳар чироклари порлаб турарди. Машина барглар сочилган йўлдан охиста сузиб борарди.

Исабеков сигарет олиб, ўт ёккичи билан ўт олдирди-ю, Аноранинг кўлидаги кизил олмани кўрди.

— Ие? Халиям емадингми?

— Йўк, мен ойимга олиб кўйдим, — дея аста жавоб килди киз.

— Ойингга? — мингиллади Исабеков. Исстик бир нима томогига тикилди. — Тўгри, уни ойингга олиб борамиз.

Ортик хеч нима хакида гаплашишмади. Исабеков кизи тўгрисида ўйларди. Анора хаммасини тушунаркан-ку. Ишкилиб, хар доим шундай бўлсин-да. Ишкилиб, хеч қачон кизил олмасидан воз кечмасин-да.

Исабеков хат ёзолмади.

Эрталаб, у ухлаб ётганида, Анора отасининг столида Москвага жўнатилмаган хатни кўрди: «Собира, биз сенинг ёнингга кетяпмиз». Кизча ручка олиб, катта харфлар билан кўшиб кўйди: «Бизни кутиб олинг, ойи. Сизга кизил олма олиб кетяпмиз».

КОМИЛА таржимаси.